

# **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА**

## **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги.

### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021 – 2027 йилларда республикадаги қўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори лойиҳаси.

### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-03/4963-сон хатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида барпо этилаётган замонавий обьектлар ва корхоналар билан танишиш жараёнида берган топшириқлари ҳамда ижтимоий соҳа вакиллари ва ёшларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, Чилонзор туманини янада ривожлантириш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишнинг 91-сон баёни билан берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги кўрсатилган.

### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Кўп квартирали турар-жойларда ўрнатилган эскирган лифтларни алмаштириш, янгидан барпо этилаётган уйларда замонавий лифт ускуналарини ўрнатиш ишларини янада жадаллаштириш.

## **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

### **5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гурухлари** – “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК ва унинг худудий филиаллари, “Технопарк” МЧЖ, “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” ДУК, “Ипотека банк” АТИБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ.

**давлат органлари гурухи** – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

**бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари** – мавжуд эмас.

### **6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари**

**хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби түғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

Қарор лойиҳасининг 1-иловасида Вазирлар Маҳкамасининг “2021 – 2027 йилларда республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

**6.1. 4-банди:**

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳrirга ўзгартириш назарда тутилмоқда:

“кўп квартирали уй-жой фондидаги лифт ускуналарини мониторинг қилиш, замонавий диспетчерлик хизматини кўрсатиш вазифасини “Технопарк” маъсулияти чекланган жамияти зиммасига юклаш”;

қуйидаги таҳrirдаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилиши назарда тутилмоқда:

“республика бўйича мавжуд кўп квартирали туар-жойларда ўрнатилган эскирган лифтларни янгисига алмаштириш ва таъмирлаш, янгидан барпо этилаётган уйларда лифт ускуналарини ўрнатишда “Technopark” маъсулияти чекланган жамиятини бош пудратчи этиб белгилаш;

“Таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхоналарининг лифт ускуналарига хизмат кўрсатишга мўлжалланган моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилишини, шунингдек, уларни тегишли мутахассисликка эга малакали мутахассислар билан тўлдириш, ўқитиш ва қайта тайёрлашда “Technopark” маъсулияти чекланган жамияти ҳудудида ташкил этилган касбий маҳоратни ошириш амалий тайёргарлик курсларида ўқитиш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.”.

**6.2. 6-банди:**

биринчи хатбошисидаги “билин биргаликда 2020 йил 1 декабрга” сўзлари “ва “Технопарк” маъсулияти чекланган жамияти билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга” сўзлари билан алмаштирилиши белгиланган;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилиши белгиланган:

“Бунда “Технопарк” маъсулияти чекланган жамияти рақамли электрон дастурнинг ишлаб чиқилиши бўйича ягона ижрочи ҳамда зарурий дастурий таъминот ва қурилмаларнинг ягона етказиб берувчиси этиб белгилансин”.

**6.3. Қуйидаги таҳrirдаги 10-банд билан тўлдирилиши назарда тутилмоқда:**

“10. “Ипотека банк” АТИБ ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида зарур хомашё ва бутловчи қисмлар ҳарид қилишга “Technopark” маъсулияти чекланган жамиятияга айланма маблағларни тўлдириш учун зарур миқдорда кредит ажратиш тавсия этилсин.”

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Кўп квартирали уй-жой фондидаги лифт ускуналарини мониторинг қилиш, замонавий диспетчерлик хизматини кўрсатиш вазифасини “Технопарк” маъсулияти чекланган жамияти зиммасига юлаш амалдаги қонунчиликка зид равищда белгиланган, хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат түғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

шартномалар тузишда устунлик бериш;

айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равища бериш;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳукуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонининг 27-бандида вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқланган.

Шу муносабат билан, кўп квартирали уй-жой фондида лифт ускуналарини мониторинг қилиш, замонавий диспетчерлик хизматини кўрсатиш вазифасини бажарувчисини ўрнатилган тартибда тендер (танлов) ўтказган ҳолда аниқлаш лозим ҳисобланади.

Ўз навбатида, мазкур қарор лойиҳаси билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорининг 4-банди учинчи хатбошида бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларни белгиланган тартибда тендер ёки танлов савдолари асосида аниқланиши белгиланган.

Бунга қарамасдан, мазкур қарори 4-бандини тўлдирилиши назарда тутилган бешинчи хатбошидаги “республика бўйича мавжуд кўп квартирали турар-жойларда ўрнатилган эскирган лифтларни янгисига алмаштириш ва таъмирлаш, янгидан барпо этилаётган уйларда лифт ускуналарини ўрнатишида “Технопарк” маъсулияти чекланган жамиятини бош пудратчи этиб белгилаш” нормаси юқоридаги қонунчиликлар талабларига зид равища баён этилган. Шунга кўра, уни чиқариб ташлаш ва ушбу ишларни амалга оширишда бош пудратчини ўрнатилган тартибда тендер ёки танлов савдолари асосида аниқлаш лозим ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қарори 4-бандини тўлдирилиши назарда тутилган олтинчи хатбошидаги ишларни “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси томонидан мустақил равища ҳамда исталган таълим муассасаларида амалга ошириш ҳуқуқи мавжудлигини инобатга олиб, мазкур хатбошини чиқариб ташлаш лозим ҳисобланади.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорининг 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар лифт

ускуналарининг техник ҳолатини мониторинг қилиш, авария ҳолатларини реал вақт режимида қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурнинг ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминланиши белгиланган.

Ушбу бандга ижрочи сифатида “Технопарк” МЧЖни қўшиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунлар талабларига зид ҳисобланади.

Мазкур топшириқнинг бажарувчисини белгиланган тартибда тендер орқали аниқлаш лозим ҳисобланади. Шунга кўра, 6-бандига киритилиши назарда тутилган ўзгаришлардан ““Технопарк” маъсулияти чекланган жамияти” сўzlари чиқариб ташлаш лозим.

Шунингдек, 6-бандини иккинчи хатбоши билан тўлдирилиши белгиланган “Бунда “Технопарк” маъсулияти чекланган жамияти рақамли электрон дастурнинг ишлаб чиқилиши бўйича ягона ижрочи ҳамда зарурий дастурний таъминот ва қурилмаларнинг ягона етказиб берувчиси этиб белгилансин” жумласи юқорида қайд этилган Қонунларга зид эканлиги боис, ушбу хатбошини чиқариб ташлаш лозим.

7.3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 111-моддасига асосан жамиятнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятига давлат органларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг кредит портфелини ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, шунингдек банкнинг маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарорининг 7-бандига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари томонидан банкларнинг, шу жумладан кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш фаолиятига аралashiш таъкиқланганлиги белгиланган.

Шу муносабат билан, қарори тўлдирилиши назарда тутилган 10-бандини чиқариб ташлаш лозим.

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021 – 2027 йилларда республикадаги қўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар

түғрисида” 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори лойиҳасини қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас.